

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=5.016)
Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22257>

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИ ШАХСИНИНГ КАСБИЙ ТАКОМИЛЛАШУВ МУАММОЛАРИ

С. Х. Шарипова

БухДу Педагогика кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўқитувчининг касбий такомиллашув муаммолари ва уни ҳал этиш йўллари, босқичлари тадқиқ этилган. Педагогнинг касбий такомиллашуви моделида ўз устида ишлаш босқичлари ва ҳар бир босқичда амалга ошириладиган вазифалар қайд этилиши кўрсатилган.

Калит сўзлар: шахс, такомиллашув, касбий роль, истикболлар, ижтимоийлашув, уста-педагог, инновацион, мотивлаштириш, ташхислаш, такомиллаштириш малакалари.

“Интеллектуал салоҳият асри” деб ном олган XXI асрда яшаб фаолият кўрсатаётган педагог-ўқитувчилар, улар қайси фан вакили бўлишларидан қатъий назар, жуда юксак масъулият ва оғир юкни зиммаларига олганларки, бу масъулиятли вазифани бажариш учун фақат олий таълимда олган билимлари ёки кундалик фаолият тажрибасининг ўзи кифоя қилмайди. Ўз касбининг моҳир билимдони, устаси бўлиш учун, илғор, инновацион тажрибаларнинг асосчиси, тарғиботчиси бўлиши учун мунтазам равишда ўз-ўзини касбий такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Ўқитувчининг касбий ўз-ўзини такомиллаштириш жараёни касбий-педагогик фаолият меъёри ва асосий функцияларидан бири сифатида қаралганда унинг моҳияти ва лойиҳаланишига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Ўқитувчи шахсининг касбий такомиллашуви – бу педагогик фаолиятнинг таркибий тузилмаси ва ўзига хос жиҳатларини яхлит ифода этадиган касбий аҳамиятга молик сифатлар мажмуини шакллантириш жараёнидир.

Бунда ўз-ўзини такомиллаштириш жараёни ижтимоий муҳит таъсирининг ўқитувчи шахси ривожланиши ички шарт-шароитлари орқали сингиб ўтиши билан кечади. Касбий ролни англаш, қабул қилиниши мумкин бўлган педагогик қарорларни ва уларнинг оқибатини англаш, ўз касбий фаолиятини умумлаштириш ва унинг истикболларини башорат қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва такомиллаштириш малакалари – буларнинг барчаси уста-педагог ривожланишининг манбаи бўлиб ҳисобланади.

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=5.016)

Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22257>

Касбий аҳамиятга эга бўлган сифатлар педагог шахсининг ижтимоийлашуви жараёнида шаклланади, ўзгаради, кучайиб боради, ёки аксинча, заифлашади (ўқитувчи шахсининг касбий ижтимоийлашуви – касбий тажриба ва маданиятни ўзлаштириш), индивидуаллашади (ўқитувчи шахсининг индивидуаллашуви – касбий муносабатларни ўзлаштиришнинг бетакрор ўзига хос усуллари ва шакллари). Бу жараёнда ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам касбий аҳамиятга молик сифатларни ташувчи ва олиб борувчи сифатида, ҳам ижтимоий шарт-шароит таъсири объекти ва шу билан бирга педагогик фаолият ва ўз-ўзини шакллантириш субъекти сифатида майдонга чиқади ва фаолият кўрсатади.

Ўқитувчи шахсининг касбий такомиллашуви қуйидаги кўрсаткичларга эга:

а) ички тузилиши – бу ўқитувчининг касбий фаолиятга киришуви изчиллиги билан белгиланади; б) йўналганлик – бу тизимли сифатлар бўлиб, касбга муносабат, касбий фаолият кўрсатишга эҳтиёж ва унга тайёрлик билан белгиланади; в) зиддиятлар – бу касбий ривожланишнинг объектив ва субъектив омилларини ва асосини ташкил этади; педагог шахсини касбий такомиллашувидаги асосий зиддиятлар – бу шахсининг шаклланган сифатлари ва объектив мавжуд бўлган талаблар ўртасида пайдо бўладиган зиддиятлар ҳисобланади; г) касбий аҳамиятга молик сифатларни шаклланишининг нотекислиги бўлиб, бу касбий такомиллашувнинг ҳар бир босқичида топшириқларнинг турличалиги – билув топшириқлари, ахлоқий-маънавий, коммуникатив, меҳнат, қадриятли топшириқлар қўйилиши билан белгиланади; д) айти пайтдаги ривожланиш босқичи натижаларининг кейингисига акс таъсири; касбий шаклланиш ютуқларининг педагог шахсига таъсири уни янада такомиллаштиришнинг иккиламчи шарти сифатида майдонга чиқади.

Касбий қимматга эга сифатлар умумкасбийдан индивидуалга “кўчириш” орқали ривожлантирилади. Улар транзит хусусиятга эга бўлиб, касбий такомиллашувнинг бир босқичидан иккинчисига ўтиб боради. Унинг асосида педагог касбий фаолиятининг барқарор усул ва шакллари ва хулқ-атвори, унинг ҳаёт тарзи ётади. Касбий қимматга эга сифатларнинг шаклланганлик даражаси педагог шахси касбий такомиллашуви мезони бўлиб, у педагог касбий фаолият даражасига нисбатан қаралади ва бу фаолият меъёрларини қанчалик эгаллаганлигини кўрсатади.

Ўқитувчининг *мустақил тайёргарлиги жараёнини лойиҳалаш* бир неча босқичларни ўз ичига олади:

1-босқич: *мотивлаштириш* – касб-корга оид мақсаднинг шаклланиши, касб танлаш;

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=5.016)
Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22257>

2-босқич: *концептуал* – танланган касбнинг мазмун ва моҳиятини англаш, айна пайтдаги ривожланиш даражасини ташхис қилиб, касбий ўз-ўзини такомиллаштириш дастури лойиҳасини тайёрлаш;

3-босқич: *лойиҳани амалга ошириш* – ўз-ўзини такомиллаштириш бўйича амалий фаолият;

4-босқич: *рефлексив-ташхислаш* – оралиқ ва якуний ташхис, натижаларни таҳлил қилиш, ўз-ўзини такомиллаштириш дастурини коррекциялаш, профессионализм ва педагогик маҳоратни эгаллаш даражасига кўтарилиш.

Ҳар бир босқич шахснинг касбий такомиллашувида улкан сифат ўзгаришларини содир этиши кўзда тутилади. Ушбу босқичлар махсус вазифа ва мазмунга эга бўлади. Топшириқларни муваффақиятли бажариш психологик механизмлар ва касбий аҳамиятга эга бўлган сифатларнинг барқарорлашувига олиб келади. Шу тариқа педагог шахсининг касбий такомиллашуви касбий-педагогик топшириқларни ҳал этишдаги сифат кўрсаткичларининг юқори бўлишини ҳам таъминлайди.

Ўқитувчи шахсининг касбий такомиллашуви жараёни (агар барча босқичлар тўла амалга оширилса) ё тўлақонли (гармоник) бўлади, ёки (агар ўқитувчи фақат бир неча босқичларнигина ўтаган бўлса) чегараланган бўлади.

Мотивлаштириш босқичида – касбий мақсаднинг шаклланиши – ўқувчилар (касб-ҳунар таълими босқичидаги) танлаётган касбнинг ижтимоий аҳамияти, касбий тайёргарлик шакл ва усуллари, ушбу касб эгасига қўйиладиган касбий талаблар тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишлари лозим бўлади.

Иккинчи босқичда касбий ўз-ўзини англаш жараёни кеча бошлайди. Бу жуда мураккаб ва узок давом этадиган жараён бўлиб, бунда шахс касб дунёсида ўз ўрнини қидира бошлайди, муайян фаолият субъекти сифатида ўзига бўлган муносабати, жисмоний, ақлий имкониятлари, қизиқишлари, тўғрисидаги фикрлари шакллана бошлайди, индивидуал касбий тараққиёт стратегияси ривожланади.

Касбий такомиллашувнинг илк босқичларида ижтимоий вазиятлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, улар педагог шахсида ижодий фаолликни таъминлайди.

Учинчи босқичда касбий-педагогик йўналганлик, касбий билим, кўникма ва малакалар тизими шаклланади, ўқитувчи типик педагогик топшириқларни ечиш усуллари белгилайди. Касбий адаптация (мослашув) босқичи фаолият меъёрларини ўзлаштиришга йўналганлиги, касбий билим, кўникма ва фаолиятни бажаришдаги умумий усулларнинг эгалланганлиги билан характерланади.

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=5.016)

Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22257>

Тўртинчи босқич ўз-ўзини ташхислашни ва касбий тайёргарликнинг бир қадам юқори даражасига кўтарилишни назарда тутди. Касбий шаклланишнинг ушбу босқичида меъёрий фаолиятнинг мўътадиллашуви, касбий позициянинг шаклланиши содир бўлади, шунингдек, шахсий сифатлар ҳамда билим, кўнима ва малакаларнинг интегратив мажмуи шаклланади ва булар педагогик фаолиятни ижодий даражада бажара олишнинг самарали услуби пайдо бўлишига олиб келади.

Шахснинг интеграллашган касбий аҳамиятга молик хусусиятларининг таркиб топиб бориши маҳорат босқичида давом этиб боради. Меъёридан ортик фаолликни намоён қила туриб ўқитувчи ўзида мавжуд бўлган фаолият усуллари ўзгартиради, уни такомиллаштиради, яъни ўз фаолият усуллари янада самаралироқ – ижодийлик даражасига кўтаради ва шахс фаоллигининг юқори кўрсаткичини намоён қилади. Педагогнинг мутахассис сифатида: - аниқ мақсад, интилиш асосида педагогик жараёни такомиллаштириш; - педагогик жараён самарадорлигини, ўзининг ишчанлик фаоллигини ошириш; - изчил равишда янгиланиб бораётган педагогик билимларни ўзлаштириш; - илғор технология, метод ҳамда воситалардан хабардор бўлиш; - фаолиятига фан-техниканинг сўнгги янгиликларини самарали тадбиқ этиш; - касбий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш; - салбий педагогик низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини излаш йўлида олиб борадиган амалий ҳаракати унинг ўз устида ишлашни ифодалайди. Педагогларнинг ўз устида изчил, самарали ишлашларида фаолиятга лойиҳали ёндаша олишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Уларнинг лойиҳали ёндашув асосида қуйидаги моделни шакллантира олишлари мақсадга мувофиқдир. Моделда ўз устида ишлаш босқичлари ва ҳар бир босқичда амалга ошириладиган вазифалар қайд этилади. Ҳар бир босқич учун белгиланган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши навбатдаги босқичга ўтиш имконини беради. Маълум босқич вазифалари ҳал этилгач, педагог бу ҳолатни алоҳида бандда қайд этади (1-жадвал):

1-жадвал. Педагогнинг касбий такомиллашуви модели:

Босқич	Амалга оширилган ишлар	Қайдлар
1	Ўзининг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш	
2	Ютуқларни бойитиш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича белгиланган ишлар олиб бориш	

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=5.016)
Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22257>

3	Шу белгиланган ишларни амалга ошириш йулларини анишлаш ва тадбиқ этиш	
4	Камчиликлар ва муаммоларни такрорламасликка эришиш	
5	Шу ишларинг бажарилишини тўлиқ назоратга олиш ва таъминлаш	

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касбий тараққиётнинг муайян босқичига кўтарилган шахс ўзини прогрессив ривожлантириш жараёнини тўхтатиб қўйиши мумкин. Бунда *стагнация*¹ ҳолати бошланиш хавфи пайдо бўлади. Ўқитувчи шахси касбий такомиллашувидаги стагнация ҳолатининг асосий омили, педагогик тизимнинг таълим жараёни билан чекланиб қолганлигида намоён бўлади. Бундай стагнация ҳолатини бартараф этиш учун ўқитувчи фақат ўқувчи шахси билан ишлашда чекланиб қолмасдан ўз шахси билан ҳам мунтазам ишлашни давом эттириб бориши лозим бўлади. Ўз-ўзини касбий такомиллаштиришнинг юқорида кўрсатилган босқичларини ўташдан кўзланган асосий мақсад фақат ўзида муайян касбий билим, кўникма ва малакаларни, касбий сифатларни ҳосил қилишгина бўлиб қолмай, балки, мунтазам ўз-ўзини такомиллаштириб бориш кўникмаларини шакллантириш ва уни фаолият давомида бошқариш бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда Республикамизда узлуксиз равишда педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вазифа ўқитувчи-педагогларнинг ушбу тизимга онгли муносабатини таркиб топтиришдан иборатдир. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида юзага келадиган кучли рақобатга бардошли бўлиш эҳтиёжи ҳар бир мутахассисни ўзида касбий такомиллашувини ва ўзига хос сифатларни таркиб топтиришга ундайди. Такомиллашув назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш маъносини англатувчи тушунча бўлиб, махсус (психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ҳамда коммуникатив), шахсий, технологик ва экстремал компетентлик каби сифатларни шакллантиради.

¹ Стагнация – (лот. *stagnare* - ҳаракатсизлантираман, тўхтатиб қўяман, лот. *stagnum* – турғун сув) инсоннинг ижтимоий ўсиши ва маданиятдаги турғунлик ҳолати ёки социум (халқ)нинг юқори лавозимдаги раҳбарият (ҳокимият) томонидан сунъий йўллар билан оммавий камситилиши деган маъноларни билдиради.

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=5.016)
Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22257>

REFERENCES

1. Боровиков Л.И. Как подготовить самоанализ профессиональной деятельности//Воспитание школьников. - 2004.- №5.
2. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Знание, 1996.
3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004.
4. **Рогов Е.И. Личность учителя: теория и практика. - Ростов-на-Дону: «Феникс», 1996. – С. 174.**
5. Степанов П.В., Григорьев Д.В., Кулешова И.В. Диагностика и мониторинг процесса воспитания в школе / Под ред. Н.Л.Селивановой, В.М.Лизинского. М.: 2003, с.74.
6. 1.А.Н.Нусратов THE SPECIFIC EFFECT OF THE SHAYBANID DYNASTY ON THE SOCIAL –SPIRITUAL LIFE AND DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL IDEAS OF THE BUKHARA KHANATE OF THE 16 TH CENTURY ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal (Affiliated to Kurukshetra University, Kurukshetra, India) Nol.10, Issue14, November 2020 Impact Factor: SJIF 2020=7.13 Page 647-652.
7. 2.А.Н.Нусратов THE SOCIO-POLITICAL LIFE IN THE KHANATE OF BUKHARA AND THE POSSIBILITIES OF USAGE “MUZAKKIRI AKHBAB ” TRACTATE IN CLARIFYING DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL THOUGHT European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol.8.No 10, 2020 Part II ISSN 2056-5852 Page 31-35. 2020.
8. Ходжаев Б. К., Шарипова С. Х. ГРАЖДАНСКАЯ КУЛЬТУРА КАК ВАЖНЫЙ КОМПОНЕНТ ВОСПИТАНИЯ ГАРМОНИЧНО-РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ //ББК 74.48 Р 76. – 2019. – С. 248.